



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУДУДДАГИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Фозилов Хуршидбек Хайрулло ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15341406>

ARTICLE INFO

Received: 28th April 2025

Accepted: 30th April 2025

Published: 5th May 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори, ғайриижтимоий хулқатворга эга бўлган шахслар, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятининг ташкилий асослари ва ҳуқуқий асослари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти, унинг тушунчаси, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, ушбу йўналишдаги хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибалари ёритилган, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишини таъминлаш фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши, шахснинг, ҳуқуқ-тартибот ҳамда жинойатчиликка қарши кураш соҳасида давлат ва унинг органлари билан вужудга келадиган муносабатларини, инсоннинг ҳаёти учун жуда муҳим бўлган соҳаларига аралашувлардан сақланишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига уларнинг ўзидаги мавжуд восита ва усуллар орқали инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш вазифасини юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтиб ўтган “Янги Ўзбекистонни доно ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга қурамыз” шиорини ўз олдига мақсад қилиб олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юқорида келтириб ўтилган вазифани масъулият билан амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”¹ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 3-моддасида асосий тушунчалар келтирилган бўлиб, унга кўра:

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс деб келтирилган.

Шунинг учун ушбу қонуннинг 5-боби. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, 28-моддасида ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан кўпроқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш кўпроқ келган десак бўлади. **Жумладан:**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади дейилган.

Илмий маълумотларга кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг психологик мазмун ва моҳиятида шахснинг қизиқишлари ҳам ётади². Қизиқишлар инсон

1

² Белкин А.С. Внимание, ребенок! Причины, диагностика, предупреждение отклонений в поведении школьников. – Свердловск, 1981. –С. 97-102

хулқ-атвори ва унинг мазмунини белгилайди ҳамда шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда фаоллигини таъминлайди.

Шу боисдан айтиш мумкинки, ғайриижтимоий қизиқишлар болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида иштирок этади ва унинг амалга оширилиши учун ўзига хос ички куч, йўналиш вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, ғайриижтимоий қизиқишлар хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи ички куч сифатида намоён бўлиб, хулқ оғишининг пайдо бўлишига таъсир қилади ҳамда унинг амалга оширилишига хизмат қилади. Тадқиқотимизда (Ф.К.Исканжанова томонидан «Вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертацияси юзасидан ишлаб чиқилган «Вояга етмаганларда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ихтиёрийлик ёки бошқа таъсирлар натижасида содир этилганликни ўрганиш» бўйича ижтимоий-психологик сўровномаси) ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ва қизиқишларнинг болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсирини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, ўрганилган 93 нафар респондентларда 56,48% ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар болалар ва ўсмирлар томонидан ўз ихтиёрига кўра содир этилган бўлса, 10,64%и тенгқурлари ёки бошқаларнинг таъсири натижасида, 8,24%и катталарнинг таъсирида, 4,39%и ота-она ва яқинлари ҳамда 11,84%и илгари судланган³.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан қуйидаги профилактик ишлар олиб борилади.

Профилактика суҳбати

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

Расмий огоҳлантириш

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

³ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ТАРБИЯ / ВОСПИТАНИЕ В УЧЕБНОМ УЧРЕЖДЕНИИ..
<file:///C:/Users/user/Downloads/ayriiizhtimoiy-hatti-arakat-va-izi-ishlar-bolalar-va-smirlarda-hul-o-ishini-keltirib-chi-aruvchi-omil-sifatida.pdf>

Қонуннинг 32-моддасида Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш белгиланган бўлиб, унга кўра:

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган хуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли деб кўрсатилган.

Профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидагиларни ўз ичига олади: профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятига оид таълимотларидан иборат назарий асослари; профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти таъминловчи субъектлардан иборат институционал асослари; профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини белгилловчи ҳамда тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлардан иборат хуқуқий асослари; профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида жалб этилган куч ва воситалар, уларни қўллаш шакл ва усулларидан иборат ташкилий-тактик асослари. профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида режа асосида вазиятдан келиб чиқиб, уларга ижтимоий ёндашиб, ташаббускорлик билан ижросини таъминлаши ва борада ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш да бошқа субъектларнинг ҳамкорлигидан унумли фойдаланиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги кунда профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда нафақат маҳалла еттилиги билан балки бошқа орган ва ташкилотлар билан ҳам кенг қамровли ҳамкорликни амалга ошириши лозим. Шундагина профилактика инспекторлари маҳалласида ҳар қандай турдаги хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиши мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
7. Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни //
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 й, 37-сон, 426-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Фармони.
10. Қадамович, Б. Ҳ. (2024). хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 33-41.
11. Қадамович Б. Ҳ., Махсудбеков М. М. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ХОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 21-27.
12. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Мунисбек Мардонбек Ўғли Махсудбеков. "Профилактика инспекторининг ижтимоий профилактикани ташкил этишда маҳаллий давлат хокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 21-27.
13. Қадамович, Б. Ҳ., & Махсудбеков, М. М. Ў. (2025). Профилактика инспекторининг ижтимоий профилактикани ташкил этишда маҳаллий давлат хокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 21-27..
14. Қадамович Б. Ҳ., Ембергенов А. К. У. Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 28-32.
15. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Азимжон Кадирберген Ули Ембергенов. "Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 28-32.
16. Қадамович, Б. Ҳ., & Ембергенов, А. К. У. (2025). Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 28-32.
17. Қадамович Б. Ҳ., Узоқов Ф. Ф. Ў. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажрибанинг аҳамияти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 88-93.
18. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Фирдавс Фарруҳ Ўғли Узоқов. "Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажрибанинг аҳамияти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 88-93.
19. Қадамович, Б. Ҳ., & Узоқов, Ф. Ф. Ў. (2025). Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажрибанинг аҳамияти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 88-93.
20. Қадамович Б. Ҳ. Профилактика инспекторининг тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100.